



ИНВЕСТИЦИОН РИСКЛАР МОҲИЯТИ ВА ТУРЛАРИ

Хақимзода Мафтуна Юсуф қизи

Тошкент молия институти

ORCID: 0009-0009-0807-2563

Аннотация. Мақолада инвестицион рискларнинг моҳияти ва турлари бўйича илмий қарашлар ва таърифлар келтирилган. Таърифлар асосида инвестицион рискларни гуруҳлаштириш ва таснифлаш бўйича таклифлар берилган. Шунингдек таснифлаш мезонлари ва бошқариш омиллари баён этилган.

Калит сўзлар: инвестиция, риск, риск омиллари, ноаниқлик, инвестицион риск, инвестицион рискларнинг гуруҳланиши.

СУЩНОСТЬ И ВИДЫ ИНВЕСТИЦИОННЫХ РИСКОВ

Хақимзода Мафтуна Юсуф қизи

Ташкентский финансовый институт

Аннотация. В статье представлены научные взгляды и определения о природе и видах инвестиционных рисков. На основе определения даны предложения по группировке и классификации инвестиционных рисков. Также описаны критерии классификации и факторы управления.

Ключевые слова: инвестиции, риск, факторы риска, неопределенность, инвестиционный риск, группировка инвестиционных рисков,

NATURE AND TYPES OF INVESTMENT RISKS

Hakimzada Maftuna Yusuf kizi

Tashkent Financial Institute

Annotation. The article presents scientific views and definitions on the nature and types of investment risks. Based on the definition, proposals for grouping and classifying investment risks are given. Classification criteria and management factors are also described.

Key words: investments, risk, risk factors, uncertainty, investment risk, grouping of investment risks.

Кириш.

Инвестицион фаолиятнинг барча шакл ва кўринишлари риск билан боғлиқдир. Унинг муваффақиятли амалга оширилиши кўп жихатдан қуйидаги муаммони ҳал қилишдаги муваффақият даражаси билан белгиланади: рискларни самарали бошқариш мақсадида даромад ва рискнинг оптимал нисбатини топишдир.

Миллий бойликнинг ўсишини таъминлашнинг асосий воситаларидан бири инвестицион фаолияти бўлиб, бунда лойиҳа кўрсаткичларини ҳар томонлама таҳлил қилиш, шу жумладан инвестиция рискларини аниқлаш муҳим аҳамиятга эга. Инвестицион рисклар инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш жараёнида фойданинг тўлиқ олинмаслиги ёки йўқотилиши эҳтимоли туфайли юзага келади. Бу ҳолда риск объекти инвесторнинг мулкӣ манфаатларидир, яъни инвестиция қилган шахснинг ўз маблағларидир. Инвестицион рискларни маблағларни жалб қилиш усули ва лойиҳанинг ўзига хос хусусиятларига қараб таснифлаш мумкин.

Корхоналар ўз фаолияти давомида юзага келиш жойи ва вақтга кўра бир-биридан фарқ қилувчи турли хил рисклар, уларнинг даражасига таъсир этувчи ташқи ва ички омиллар мажмуи билан дуч келадилар. Шу муносабат билан уларни таҳлил қилиш усуллари ва тавсифлаш усуллари фарқланади. Рискларнинг барча турлари ўзаро боғлиқ ва корхона фаолиятига бирдек таъсир қилади. Ушбу ҳолатлар рискларни оптималлаштириш бўйича қарорлар қабул қилишни қийинлаштиради, ҳамда муайян рисклар таркибини, шунингдек уларнинг пайдо бўлиш сабаблари ва омилларини чуқур таҳлил қилишни талаб қилади.

Адабиётлар шарҳи.

Тадқиқотчи олимлар Серая ва бошқалар (2018) инвестицион риска кўйидагича таъриф беришади, инвестицион риск – бу замонавий иқтисодиётдаги беқарор вазият, давлат ҳокимияти ва ўзини-ўзи бошқариш органларининг ҳаракатлари туфайли инвесторлар инвестицияларининг қадрсизланиши ризиқдир.

Сафаров (2022) ўз тадқиқотларида бу борада кўйидагиларни таъкидлайди, яъни ҳар қандай ташкилот ўз фаолиятида инвестиция ризиқ эҳтимолини ҳисобга олиши ва уни камайтириш ёки ундан бутунлай қочиш чораларини кўриши керак. Инвестицион рисклар – бу инвестиция фаолиятини амалга ошириш жараёнида фойдани олаолмаслик ёки йўқолиши эҳтимоли билан боғлиқ рисклардир.

Шалаев ва бошқалар (2017) инвестиция вариантларини танлашда риск энг муҳим мезонлардан бири бўлиши ва шунга қараб объект танланиши керак. Бироқ, риск шароитида тўғри инвестиция қарорини қабул қилиш учун ҳар томонлама баҳолаш ва таҳлил керак. Шунга кўра, бу унинг пайдо бўлишига таъсир қилувчи омилларни таҳлил қилишни, шунингдек, рискнинг ўзига хос хусусиятларини ва муайян шароитларда намоён бўлишини ҳисобга олишни талаб қилади.

Тадқиқотчи Кадирбаев (2016) фикрига кўра, инвестицион рискларни тўлиқроқ ўрганиш учун инвестицияларни таснифлашнинг энг муҳим масалаларини кўриб чиқиш муҳимдир. Энг аввало, инвестициялар инвестиция объекти мезонига кўра таснифланиши, ҳамда ушбу тасниф реал ва молиявий инвестицияларни ажратишга асосланади деб таъкидлайди.

Жумладан, Тяхт (2009) инвестицион рисклар ташкилотнинг ташқи ва ички муҳитидаги ўзгарувчиларнинг инвестиция лойиҳасини амалга оширишга таъсири натижасида режалаштирилган фойдани олмаслик эҳтимоли сифатида тавсифланиши мумкин деб таъкидлайди.

Козловский ва Кулик (2013) инвестицион фаолият билан боғлиқ рисклар ҳар қандай корхона фаолиятининг объектив, доимий омили бўлиб ҳисобланади, шу сабабли инвестиция менежерларидан жиддий эътибор талаб қилади. Корхонанинг инвестиция фаолиятини бошқариш жараёнида риск омилни ҳисобга олиш деярли барча бошқарув қарорларини тайёрлаш билан бирга кечади.

Бочков (2018) ўз илмий асарларида кўйидагиларни таъкидлайди, яъни корхонага нисбатан “инвестицион риск” тушунчаси унинг инвестиция фаолияти натижасида юзага келиши мумкин бўлган ноқулай вазият ёки салбий оқибатларни англатиши мумкин. Ноқулай вазият ёки ноқулай оқибат деганда: йўқотишлар, ноль натижага эришиш (бу

даромад ҳам, фойда ҳам эмас), даромад ёки фойданинг ушбу кўрсаткичларнинг кутилган қийматларига нисбатан камайиши ва йўқотишларга олиб келиши мумкин бўлган воқеа ва ҳодисаларни тушуниш мумкин.

Большаков (2018) инвестицион риск – бу инвестицияларни йўқотиш, улардан тўлиқ даромад олмаслик ва вақт ўтиши билан дастлабки инвестицияларнинг қадрсизланиши rischi сифатида қарайди. Бошқача қилиб айтганда, инвестиция riskлари деганда инвесторларнинг ўз омонатларини йўқ қилиш, эскириш ёки тўлиқ йўқотиш хавфидан сақлаб қолиш билан боғлиқ мулкый манфаатлари тушунилади.

Шунингдек тадқиқотчи Абдурахмонов (2018-2022) riskларнинг суғурта нуқтаи назаридан классификациясини келтириб ўтган. Инвестицион riskнинг моҳияти ва уни бошқаришнинг, яъни салбий оқибатларини камайитиришда суғурта механизми оптимал иқтисодий усул ҳисобланишини, ҳамда суғурта бозорида бу бўйича барма иқтисодий механизмлар борлигини таъкидлайди. Бунда бозорда қўлланилаётган инновацион методларни келтириб ўтади.

Тадқиқот методологияси.

Тадқиқот ишини бажаришда инвестицион riskларнинг моҳиятини чуқурак тушунишда кузатиш, маълумотларни йиғиш, умумлаштириш, таққослаш, маҳаллий ва хорижий олимларнинг инвестицион riskлар ва уларнинг таснифланиши бўйича иқтисодий қарашлари, riskларнинг гуруҳланиши ўрганилиб, хулоса ва таклифлар ишлаб чиқилди.

Таҳлил ва натижалар муҳокамаси.

Олиб борилган таҳлиллар натижасида инвестицияларга оид riskларнинг таснифи 1-расмда келтирилган. Корхоналарнинг инвестицион салоҳият riskлари ва инвестиция riskларини таснифлаш айрим мезонлар бўйича таклиф этилган, албатта бу таснифлаш субъектив характерга эга, қолаверса конхонанинг фаолият турига қараб бошқа мезонлар билан ҳам тўлдирилиши мумкин. шунингдек фаолиятнинг барча турларини қамраб олишнинг имкони мавжуд эмас. Бунда riskларнинг барча турлари ўзаро боғлиқдир ва улар бирдек тадбиркорлик фаолиятига салбий таъсир кўрсатади. Бундан ташқари, бир турдаги riskнинг ўзгариши бошқа турдаги riskларнинг юзага келишини ёки ўзгаришига олиб келиши мумкин.

1-жадвал

Инвестицион riskларнинг таснифи²⁵⁵

№	Рискларнинг юз бериз мезонлари	Риск турлари
1.	Вақтга кўра	Ретроспектив / жорий / истиқболли
2.	Даражасига кўра	Кичик / мақбул / тўлиқ
3.	Вақт бўйича давомийлик нққтаи назаридан	Доимий / вақтинчалик (қисқа муддатли, узок муддатли)
4.	Объектга кўра	Ташқи / ички
5.	Башорат қилиш нуқтани назаридан	Башорат қилинадиган / башорат қилинмайдиган
6.	Тахдидларнинг объективлигига кўра	Субъектив / объектив
7.	Инвестицион лойиҳаларни амалга ошишига қараб	Микро риск / мезо риск / макро риск
8.	Келиб чиқишига кўра	Тизимли (бозор) / тизимсиз (махсус)
9.	Амалга ошишига кўра	Моддий / маънавий / молиявий / обрў
10.	Мумкин бўлган оқибатларига кўра	Мақбул / кретик / фалокатли
11.	Оқибатларининг табиатига кўра	Соф (статик) / спекулятив (динамик)
12.	Амалга ошиш соҳасига кўра	Техник, технологик / иқтисодий / сиёсий / ижтимоий / экологик / қонунний, ҳуқуқий

²⁵⁵ Эмперик адабиётларнинг қиёсий таҳлили асосида муаллиф томонидан тайёрланди.

Инвестицион рисклар даражасини нафақат статик, балки динамик равишда ҳам таҳлил қилиш керак. Ретроспектив рискларни таҳлил қилиш, уларнинг табиати ва уларни камайтириш усуллари амалда бўлиши мумкин бўлган жорий ва келажакдаги рискларни аниқроқ башорат қилиш имконини беради.

Паст рискли инвестициялар бу инвестицияларнинг бир қисмини ёки барчасини йўқотиш эҳтимолини акс эттиради. Ўз навбатида, мақбул (ўртача) ва тўлиқ инвестициялар rischi мос равишда қўйилмаларнинг бир қисмини ёки тўлиқ миқдорини йўқотишнинг ўртача ёки юқори эҳтимолини акс эттиради.

Инвестицион риск даражаси – бу режалаштирилганидан юқори бўлган зарар ёки йўқотишларга олиб келадиган рискли вазиятларнинг эҳтимоли.

Доимий риск – бу доимий равишда мавжуд бўлган риск бўлиб, у фақат муайян вазиятнинг ўзгаришига қараб ўз даражасини ўзгартиради. Бу инвестицион операциянинг бутун даври учун характерлидир ва доимий омилларнинг таъсири билан боғлиқ равишда бўлади. Инвестицион рискларнинг ушбу гуруҳига валюта ва фоиз ставкалари рискларини келтириб ўтиш мумкин.

Вақтинчалик риск вақтинчалик характерга эга бўлади. Корхоналар ушбу турдаги рискга фақат инвестиция фаолиятининг маълум босқичларида дуч келишади. Уларни икки гуруҳга бўлиш мумкин: қисқа муддатли – маълум вақт оралиғида чеклан миқдода юзага келиши мумкин бўлган рисклар ва узоқ муддатли рисклар.

Ички (субъектив) рисклар – бу корхонанинг (тармоқнинг) ўз фаолиятига боғлиқ бўлган рисклардир. Улар инвестициялар ва ишлаб чиқаришни малакасиз бошқаришда, активларнинг самарасиз тузилиши ва бошқа сабаблар оқибатида юзага келиши мумкин. Бу рискларнинг салбий оқибатларини, молиявий йўқотишлар миқдори ва харажатлар бўйича уларнинг қиёсий самарадорлигини ҳисобга олган ҳолда ўзини-ўзи суғурталаш ёки суғурта қилиш йўли билан олдини олиш ва зарарлар миқдорини камайтириш мумкин бўлади.

Ташқи (объектив) рисклар корхонанинг ташқи фаолиятдаги вазият ва ҳолатнинг ўзгариши билан юзага келади: иқтисодий циклларнинг алоҳида босқичлари ўзгартиришда, молиявий бозор конъюнктурасининг ўзгартиришда, мамлакатдаги сиёсий тизимнинг беқарорлиги натижасида ва бошқа бир қатор ҳолларда юзага келади ҳамда корхона бундай ҳолатларга таъсир қила олмайди.

Башорат қилинадиган рисклар – юзага келиши иқтисодиётнинг даврий ривожланиши, молия бозори конъюктураси босқичларининг ўзгариши, рақобатнинг башорат қилинадиган ривожланиши ва ҳоказоларнинг натижасида юз берадиган рисклардир. Башорат қилинадиган рисклар фақат суғурта мезонларини инобатга олган ҳолда суғурта riskига айланиши ёки ўзини суғурта қилишга қабул қилиш имкониятига эга, олдиндан айтиб бўлмайдиган инвестиция рисклари эса бундай имкониятга эга эмас. Инвестицион рискларнинг башорат қилиниш нисбий характерга эгадир

Инвестицион салоҳият нуқтаи назаридан, асосий рисклар мезо-даражали ва “соф риск”лар бўлади. Бироқ, минтақанинг инвестиция салоҳиятини бошқаришда ҳар қандай вектор бўйича жамланган микро рискларни ҳам ҳисобга олиш керак. Шунингдек, макроиқтисодий рисклар маълум даражада юз бериши билан минтақавий инвестиция фаолиятига таъсир қилади, бу эса уларни мезо даражада ҳисобга олиш заруратини келтириб чиқаради.

Тизимли (бозор) риск инвестиция фаолиятининг барча иштирокчилари ва инвестицияларнинг барча шакллари учун юзага келади. У иқтисодий цикл босқичларининг ўзгариши, самарали талаб даражаси, солиқ қонунчилигидаги ўзгаришлар ва инвестор инвестиция объектини танлашда таъсир қила олмайдиган бошқа омиллар билан белгиланади.

Тизимсиз (ўзига хос, махсус) риск бу – муайян инвестиция объектига ёки аниқ инвесторнинг фаолиятига хос бўлган рискдир. Бу корхона бошқарув ходимларининг

ваколатлари билан боғлиқ бўлиши мумкин; бозорнинг ушбу сегментида рақобатнинг кучайиши, инвестицион капиталнинг тузилмаси ва ҳ.к. Лойиҳаларни диверсификация қилиш, оптимал инвестиция портфелини танлаш ёки лойиҳани самарали бошқариш орқали бу рискларнинг олдини олиш мумкин бўлади.

Ўз навбатида, тизимсиз инвестиция рисклари қуйидагиларга бўлинади:

а) инвестиция портфелининг рисклари: капитал, мувозанатлашмаганлик rischi, ҳаддан ташқари концентрация rischi (инвестицияларнинг этарли даражада диверсификация қилинмаганлиги);

б) алоҳида инвестицияларни ва умуман инвестиция портфелини баҳолашда ҳисобга олиниши керак бўлган инвестиция объектларининг рисклари бу мамлакат rischi, тармоқ rischi, минтақавий, вақт, ликвидлик rischi, кредит rischi, операцион йўқотишлар рискларидан ташкил топади.

Моддий, молиявий, маънавий ва обрўга оид рискларни етказилган зарарнинг хусусиятига кўра шартли равишда икки гуруҳга бўлиш мумкин. Биринчиси, маълум бир жисмоний бўлган рискларни ўз ичига олади – моддий ва молиявий; иккинчисига – жисмоний йўналишга эга бўлмаган, лекин ҳақиқий молиявий йўқотишларга олиб келадиган – маънавий ва обрўга эга. Моддий йўқотишларга ресурслар, асосий ва айланма маблағларнинг йўқотилишини киритиш мумкин. Молиявий – молиявий активларнинг (пул, қимматли қоғозлар, депозитлар ва бошқалар) йўқолишида ифодаланган зарарлар киради. Ўз моҳиятига кўра, обрў билан боғлиқ рисклар маънавий рискларнинг бир қисмидир, аммо оқибатлар даражаси бўйича улар кўпроқ ҳалокатли ва тез-тез учраб туради (минтақадаги вазиятнинг криминогенлиги, террористик ҳаракатлар таҳдиди ва бошқалар).

Мақбул риск – бу корхоналарнинг маълум бир инвестиция лойиҳасини амалга оширишдан тўлиқ ёки қисман фойда йўқотиш rischi, лекин уларнинг ҳажми кутилган фойдадан камроқ. Ушбу риск суғурта компаниясига мурожаат қилмасдан, ўз ликвидли товарлари ва молиявий захираларини бошқаришни ташкил этиш орқали ўзини ўзи суғурталаши мумкин, агар ўз-ўзини суғурта қилиш харажатлари суғурта мукофоти кўринишидаги қийматга нисбатан мақбул бўлса.

Критик риск – бу маълум бир инвестиция лойиҳасини ёки молиявий фаолият турини амалга ошириш учун сарфланган харажатлар миқдоридagi йўқотиш rischi. Шу билан бирга критик рискни иккига бўлиш мумкин, биринчи даражали критик инвестиция rischi бу ноль даромад олиш таҳдиди билан боғлиқ, ҳамда у корхона томонидан қилинган молиявий харажатлар орқали қопланиши мумкин. Иккинчи даражали критик инвестиция rischi тўлиқ харажатлар миқдоридa йўқотиш эҳтимоли билан боғлиқ, яъни мўлжалланган даромаднинг йўқолиши эҳтимоли ва у корхона харажатларни бошқа манбалардан қоплаш кераклигини англатади.

Фалокатли риск молиявий йўқотишлар корхонанинг мулккий ҳолатини қисман ёки тўлиқ йўқотиш билан белгиланади ва бу уларни банкротликка олиб келади, чунки бу ҳолда нафақат инвестиция қилинган барча маблағлар, балки корхонанинг бошқа операциялари ва мулкларининг йўқолишига олиб келиш мумкин бўлади.

Соф рисклар (статик) деярли ҳар доим тадбиркорлик фаолияти учун йўқотишларга олиб келиши билан тавсифланади. Бундай рискларнинг сабаблари табиий офатлар, урушлар, бахтсиз ҳодисалар, ташкилотнинг қобилятсизлиги ва бошқалар бўлиши мумкин.

Спекулятив рисклар (динамик) тадбиркор учун кутилаётган натижага нисбатан ҳам зарар, ҳам қўшимча фойда келтириши мумкинлиги билан тавсифланади. Ушбу рискларнинг сабаблари бозор конъюнктурасининг ўзгариши, валюта курсларининг ўзгариши, солиқ қонунчилигидаги ўзгаришлар ва бошқалар бўлиши мумкин.

Техник ва технологик рисклар лойиҳани амалга ошириш жараёнида фаолиятнинг техник ва технологик таркибий қисмига таъсир қилувчи ноаниқлик омиллари билан

боғлиқ: ускуналарнинг ишончилиги, ишлаб чиқариш жараёнлари ва технологияларининг прогноз қилиниши, автоматлаштириш даражаси, ускуналар ва технологияларни модернизация қилиш суръати ва бошқалар.

Иқтисодий риск давлатдаги инвестиция фаолиятининг иқтисодий таркибий қисмига ва инвестиция лойиҳасини амалга ошириш жараёнида хўжалик юритувчи субъект фаолиятига таъсир этувчи ноаниқлик омиллари билан боғлиқ: иқтисодиётнинг ҳолати; давлат томонидан олиб бориладиган иқтисодий бюджет, молия, инвестиция ва солиқ сиёсати; иқтисодиётнинг циклик ривожланиши ва иқтисодий цикл фазалари; иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солиш ва бошқалар.

Сиёсий рисклар инвестиция фаолиятини амалга оширишда сиёсий таркибий қисмга таъсир қилувчи қуйидаги ноаниқлик омиллари билан боғлиқ: давлат сиёсатидаги ўзгаришлар; сиёсий босим; инвестиция фаолиятига маъмурий чекловлар; давлатга ташқи сиёсат босими; қўшма корхоналар фаолиятига салбий таъсир кўрсатиши мумкин бўлган давлатлар ўртасидаги муносабатларнинг ёмонлашиши ва ҳоказо.

Ижтимоий рисклар инвестиция фаолиятининг ижтимоий таркибий қисмига таъсир этувчи ноаниқлик омиллари билан боғлиқ: ижтимоий кескинлик; иш ташлашлар; ижтимоий дастурларни амалга ошириш. Ижтимоий рискнинг чекловчи ҳолати бу шахсларнинг фаолияти жараёнида хатти-ҳаракатларини аниқ башорат қилишнинг мумкин эмаслиги ва инсон омили билан боғлиқ бўлган шахсий рисклар.

Экологик хавфлар давлат, минтақадаги атроф-муҳит ҳолатига ва инвестиция қилинган объектларнинг фаолиятига таъсир қилади: атроф-муҳитнинг ифлосланиши, радиациявий шароитлар, экологик офатлар, экологик дастурлар ва бошқалар. Шунингдек экологик рисклар қуйидагиларга бўлинади: техноген, табиий-иқлим ва ижтимоий-маиший.

Қонунчилик рисклари амалдаги қонунчиликдаги ўзгаришлар билан боғлиқ; қонунчилик ва ҳуқуқий базанинг номувофиқлиги, тўлиқ эмаслиги, мос келмаслиги; қонунчилик кафолатлари ва бошқалар.

Шунингдек, корхоналарнинг инвестиция фаолияти бир қатор бошқа рисклар билан ҳам таснифланиши мумкин, яъни ишлаб чиқариш rischi, инфляция хавфи, дефляция риск, бозор rischi (валюта ва фоиз ставкаси), функционал рисклар, инвестиция ва йўқотилган фойда рискларини қамраб олади.

Хулоса ва таклифлар.

Тадқиқот шуни кўрсатадики, молиявий-иқтисодий муносабатлар тизимида инвестиция rischi тоифаси асосий ҳисобланади, чунки ушбу riskни самарали бошқариш мамлакат иқтисодиёти ўсишининг юқори динамикасини ва унинг рақобатбардошлигини белгилайди.

Rиск бу инвестиция ва инвестиция жараёнларида эътиборга олиш керак бўлган энг муҳим омиллардан биридир. Инвестицион лойиҳанинг rischi ўзининг кўринишларида кўп қиррали ҳисобланади, кўпинча у бошқа рисклар элементларининг мураккаб тузилмасини ифодалайди. Янги молиявий технологиялардан, замонавий молиявий воситалардан ва бошқа омиллардан фойдаланиш корхоналар учун инвестиция рискларининг янги турларининг пайдо бўлишига олиб келади. Шу муносабат билан инвестиция рискларининг мавжудлиги ва айниқса уларни амалга ошириш инвестиция салоҳиятининг ҳажмига ва инвестиция мақсадларига эришишга сезиларли таъсир кўрсатадиганлиги сабабли, инвестиция жараёнини бошқариш нафақат инвестиция рискларининг мавжудлигини ҳисобга олиши, балки уларнинг катталиги ва оқибатларини минималлаштиришга қаратилган бўлиши керак.

Шундай қилиб, инвестиция рискларини прогнозлаш уларнинг моҳиятини ва хусусиятларини шакллантиради, бу инвестиция жараёнини бошқаришда нафақат

рисklarни ҳисобга олишни, балки инвестиция жараёнларини бошқариш тизимида инвестиция рискларини кузатувчи, баҳолайдиган ва бошқарадиган алоҳида қуйи тизимни аниқлашни ҳам талаб қилади.

Адабиётлар / Литература / Reference:

Abdurahmonov, I. (2020) "Efficiency of organizing the activities of insurance intermediaries in the development of insurance sector," *International Finance and Accounting: Vol. 2020: Iss. 1, Article 5*. Available at: <https://uzjournals.edu.uz/interfinance/vol2020/iss1/5>.

Abdurakhmonov, I. (2020) "Prospects for applying new marketing technologies in the insurance industry," *International Finance and Accounting: Vol. 2020: Iss. 4, Article 6*. Available at: <https://uzjournals.edu.uz/interfinance/vol2020/iss4/6>.

Abduraxmonov, I. (2022). *Sug'urta sohalarining shakllanish tendensiyalari. MOLIYA VA BANK ISHI*, 8(3), 60–67. Retrieved from <https://journal.bfa.uz/index.php/bfaj/article/view/33>.

Ilyas, A. (2018). *Competition in the insurance market of Uzbekistan. Asian journal of management sciences & education*, 7(2), 56-61.

Khurshidovich, A. I. (2021). *Issues of innovative development of insurance in Uzbekistan. International Journal of Management IT and Engineering*, 11(7), 91-96.

Абдурахмонов И. (2020) Суғурта бозорини тартибга солиш ва пруденциал назоратнинг самарали механизмларини жорий этиш, " //Халқаро молия ва ҳисоб" илмий электрон журнали. – 2020. – Т. 2.

Абдурахмонов И.Х. (2018) Суғурта назарияси ва амалиёти. Ўқув қўлланма. –Т.: "Иқтисод-Молия" нашриёти, 23-24-б.

Абдурахмонов, И. Х. (2010). *Ўзбекистон Республикасида жавобгарликни суғурталашнинг амалиётини такомиллаштириш*. Автореф. дисс.... и. ф. н, 26.

Абдурахмонов, И. Х. (2019). *Теория и практика страхования. Учебник/–Т.:«Иқтисод молия, 353-354.*

Большаков С.О. (2018) *Страхование инвестиционных рисков. Международный научно-практический интернет-журнал «ПРО-Экономика» Номер 8, 2018 (август) 1-6 с.*

Бочков С.П. (2018) *Инвестиционные риски автотранспортных предприятий. Автомобиль/ Дорога/Инфраструктура. Электронный научный журнал. № 3(17) сентябрь 2018г.*

Кадырбаев И.А. (2016) *Теоретические вопросы исследования инвестиционного риска, основные признаки и классификация // МИР (Модернизация. Инновации. Развитие). 2016. Т. 7. № 3. С. 181–188. doi:10.18184/2079-4665.2016.7.3.181.188*

Козловский А.Н., Кулик Ю.А. (2013) *Классификация инвестиционных рисков (на примере электромашиностроительных предприятий). Научно-технические ведомости СПбГПУ. Экономические науки № 3 (173) 2013г. 158-163 стр.*

Сафаров К.Б. (2022) *Инвестиционные риски: классификация и методы их оценки. central asian journal of innovations on tourism management and finance Volume: 03Issue: 10|2022ISSN: 2660-454X 213-220 стр.*

Серая Н.Н., Ляшенко К.А., Саввина Ю.В. (2018) *Анализ особенности инвестиционных рисков. Инновационная экономика: перспективы развития и совершенствования, №7 (33), Том 2, 2018г. 165-170 стр.*

Тяхт С.Г. (2009) *Тенденции и перспективы управления рисками инвестиционных проектов промышленного предприятия // Транспортное дело России. – 2009. – № 3. – С. 103–105.*

Шалаев И.А., Соболева И.А., Костюкова Е.А., Панкова В.Б. (2017) *Анализ инвестиционных рисков в системе предпринимательской деятельности. Инновационная экономика: перспективы развития и совершенствования, №4 (22). 285-291 стр.*